

Ўткир ҲОШИМОВ

# МАШИНА СОТАМАН

(Ҳажвий ҳикоялар)

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти  
Тошкент — 1981



Хизмат юзасиданми, саёхат қилибми, Ўзбекистондан ташқарига чиқсангиз, ҳамюртларингизни кўмсаб қоласиз. Ушанақа пайтда мен ўзбекларни топиб олишнинг осон йўлини биламан. Қаерда қаҳ-қаҳа портласа ўша ерга боравераман. Қараб-сизки, тўртта ўзбек ё аския, ёки латифа айтаётган бўлади. Халқимизнинг одати шу: кулгини, ҳазилни яхши кўради. Шунинг учун ҳам «Муштум» кириб бормаган хонадон йўқ. Радиода «Табассум» янграса, телевизорда «Миниатюра»лар кўрсатилса, одамлар ҳамма ишини йиғиштириб кўяди.

Қайси куни латифага нўноқроқ дўстим чойхонада аския айтиб қолди. Ҳеч ким кулмаган эди, ёнидаги ҳамсуҳбати биқинини тутди. «Бир қитиқлаб юбор», деди илжайиб. Агар қўлингиздаги машқларни ўқиганингизда биқин қитиқлатиш шарт бўлмаса, демак, муддаомга етибман. Кулгисевар дўстларимга озми-кўпми табассум бағишлабман, деб ўйлайман.

**Муаллиф.**

## НАИМ САРТАРОШНИНГ «ОҶОНИ»

Бу одамни болалигимдан танийман. Ушандан буён унинг битта-ям туки ўзгармаган, десам лоф бўлмайти. У ёғини сўрасангиз, унда тукнинг ўзи йўқ, кўса. У ҳар куни эрталаб бир вақтда дарвозамиз олдидан маҳалла гузари томонга ўтиб кетади. Қишда куя еган тел-пак, муштдеккина гавдасига ярашмаган узун камзул, оёғига калиш маҳси кийиб юради. Ёзда бўлса думалоқ қозоннуса бахмал кийиб бостириб олади. Қўлидаги хўжалик сумкаси ҳам камида йигирма йил сидқидилдан хизмат қилган. Ғиж-ғиж суриладиган занжирининг тишлари тўкилиб яккам-дуккам бўлиб қолган. Бандининг тасмаси бир неча жойидан ямалган. Сумканинг ичида нима борлигини яхши биламан. Тиши тўкилган алюмин тароқ, бошингизга тегиши билан бир ҳовуч сочингизни юлиб оладиган қўл машина, қайиш билан олишавериб ихчам тортиб кетган устара. Хуллас, бутун маҳаллага донғи кетган Наим сартарошнинг жамики ашёлари шу сумкада жойлашган.

Наим сартарошнинг эски фанерлардан ямаб ясалган дўкониям йигирма йил илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам ўшандоқ — маҳалла чойхонасига ёпишиб кўнқайиб турибди. Фақат вақт ўтиши билан толиқиб бир томонга қийшайиб қолган. Беш йил бурун автобус бекатининг рўпарасида янги ойнабанд сартарошхона очилди. Аммо Наим сартарош унга ўтмади. «Ман таҳоратсиз тиғ ушлайдиган ёш болалар билан ишламийман» деб туриб олди. Маҳалладагилар ҳам унинг феълини билишгани учун индамай қўя қолишди.

Шу Наим сартарошнинг денг, келиб-келиб мени жини суйиб қолди. Бир куни эрталаб дарвоза олдидаги скамейкада ўтирсам, сумкасини кўтариб ўтиб қолди. Салом бердим. У менга қарамай, «валеј», деб ўтиб кетди-ю, нарироққа бориб тўхтади. Сийрак сарғиш киприкларини пирпиратиб тикилиб турди-да, янгроқ ингичка совзда сўради:

— Ҳой, менга қара, Учкунмисан?

Мен индамай бош силкидим. Наим сартарош кўп йиллик қадрдонини бирдан топиб олгандек қувониб кетди. Тез-тез юриб ёнимга келди. Сумкасини скамейканинг бир чеккасига қўйди-да, қўш қўллаб сўрашди. Юзига фотиҳа тортиб, силлиқ, иягини силаб қўйди.

— Бу дийман, дўконгаям чиқмайсан,— деди яна ҳам ингичкароқ товушда.

— Энди, хизматчилик...

— Ёзувчи бўлсан, газетада ишлавотсан, деб эшитдим, шу ростми?— Наим сартарош менинг қобилиятимни чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, бошдан-оёқ бир сидра қараб чиқди.

— Ҳа, шунақа,— дедим бош силкиб.

У сумкасини нарироқ суриб ёнимга ўтирди. Узун камзулининг чўнтагидан қизғиш носқовоғини чиқариб нос отди.

— Бу дейман, ука, газеталарингга бизаниям ёзса бўлавурадимми? Ё буниям «оҳони» борми?

— Қанақа «оҳон»?

Сартарош кўзини қисиб қиқирлаб кулди.

— Ўзингни соддаликка солма ука. Ман ҳаммасини биламан. «Оҳони» бўлмаса Олим паровозни газета мақтаб чиқармиди? Биринчи бўлиб паровоз ҳайдаганмиш. Ёлғон! Қачон қараса, кўмирга ботиб юрадиган рабочий эди. Ҳа, хўп, борингки, ҳайдаган бўлсин. Ҳа, нима қипти? Ҳақим найновчи! Биринчи ўқитувчилардан эмиш. Ман билмасам экан уни! Жинкўчалаик отин ойининг қўлида бирга ўқиганмиз. Ўлгудек зеҳни паст бола эди. Олти ойгача «Ҳафтияк»ни таширолмаган... Тағин булар персаналний пенсионер эмиш!

Наим сартарош дунёнинг адолатсизлигидан тутоқиб кетгандек, жаҳл билан носини туфурди. Кафтининг орқаси билан иягини силаб қўйди.

— Булар давлатга хизмат қилган бўлса, биззиям ўтқизиб қўйган жойимиз бор. Булар Масковга борган бўлса, манам борганман. Уларни кўтар-кўтар қиласанлару мани ёзмайсанлар, шунақами? Мани суянчигим йўқде, а!

Қарасам, Наим сартарош ростдан хафа бўляпти. Тўғриси, унинг ўтмишига ўзим ҳам қизиқиб қолдим.

— Нега ёзмас эканман. Ёзаман. Москвага қачон боргандингиз?

— Ие, ҳозир йили эсимда қоптими, ука? Уша босмачиларни қийратиб юрган пайтларимизда эди-да. Ушанда санга ўхшаган қирчиллама йигит пайтим. Паркат томонда Рустам шердай қилич ўйнатиб юрсам, командиримиз чақариб қолди. «Чиноқ икковларинг яхши жанг қилганларинг учун Масковга дилигат бўлиб борасан» деса бўладими! Юнус чиноқ бир қулоғи йўқ бўлсам, хўп азамат йигит эди. Иккаламиз пойизга ўтирдигу қайдасан Масков деб жўнадиквордик. Ўн кун деганда етиб бордик. Бу Масков дегани хўпам катта шаҳар экан. Қават-қават уйлар десанг, кўча тўла троллейбус, аптобус. Ер тагида пойиз юркан.

У бирдан тўхтаб, менга синовчан қаради.

— Масковга борганмисан?

— Йўқ,— дедим бош чайқаб.

— Э, Масковга бормабсан — дунёга кемабсан!— Наим сартарош

қўлларини ёзди,— шундоққина Қизил Майдоннинг олдидаги гас-  
ницага тушдик. Ёнбошимизда бозор. Бизаникига ўхшаганмас. Ҳам-  
маси папаратка жойлашган. Қаймоқ бозор бир томонда, ширмои  
бозор бир томонда. Кабобпазлар десанг эрталабдан туриб жигар  
кабоб сотади. Аммо-лекин сомон бозорнинг мазаси йўқ экан. Қоп-  
лари кичкина-кичкина. Бир туяга элликтасини ортиб келишади. Тагин  
бир қопи фалон пул. Одам кўплигиданми, сартарошхонаси тирбанд.  
Босмачиларни бир ёқли қигандан кейин шу томонларга келиб дў-  
кон очаман, деб кўнглимга тугиб қўйдим... Аммо маишат зўр бўлди.  
Масковда бир ой турган бўсак, шу бир ой ичида Чиноқ иккаламиз  
хўп ҳузур қилдик. Эрталаб лип этиб бозорга тушиб бир коса қай-  
моқ, тўртта ширмой, анжир, ҳолва обчиқиб кўк чойни урамиз. Пе-  
шинда кабобхўрлик, кечқурун лағмон дейсизми, пўстдумба солин-  
ган мошкичири дейсизми, нима хоҳласангиз муҳайё. Кечалари чой-  
хонага чиқамиз. Бир жўжахўроз беданам бор эди десанг, ўзимам  
Исмоил калдан бир қўйнинг пулига олгандим. Шуни обкетувдим,  
Масковни манман деган беданаларини қочирди. Қайтиб келишимиз-  
дан икки кун олдин майлис бўлди.

— Қаерда?— дедим ўзимни кулгидан зўрға тийиб.

— Қатта бўларди, Қизил Майдоннинг ўзида бўлди-да... Лак-лак  
одам. Чиноқ иккаламиз бир чеккага бориб турдик. Шу пайт десан-  
гиз, минбарда турган катталардан биттаси югуриб тушиб мани қу-  
чоқлаб олса бўладими?

— Ким?

Наим сартарош сийрак киприкларини пирпиратди.

— Нима? Ким?

— Сизни қучоқлаган ким эди, деяпман.

— Катталардан биттаси дидим-ку! Шундоқ қучоқлаб у юзим-  
дан бу юзимдан ўпди. «Ия, кўса, баҳай? Сан бу ёғларда нима қилиб  
юрибсан?» дейди. «Мана, Чиноқ билан кеп қолдик. Босмачиларни  
қийратганимиз учун командиримиз ўйнаб келинлар, деб юборди»,  
«Оббо, сан-ей, кеганингга шунча бўбди-ю, нега ҳовлига ўтмадинг,—  
дейди.— Кечқурун бизникига ўтмасанг қаттиқ хафа бўламан, янганг-  
га норин буюриб келганман»— дейди. «Йўқ, шошиб турибман. Бош-  
қа мавруди кеп қолар» дедим. «Бўлмаса, мана бу мукофот санга»  
деб, ҳалиги одам чўнтагидан медаль чиқариб чопонимга тақиб  
қўйди.

— Қанақа медаль?

Наим сартарош «жудаям эзма экансан-да», дегандек ижирғаниб  
афтини буриштирди.

— Қаттан биламан! Бунақа керак бўлишини билганимда йўқо-  
тиб қўярмидим,— Наим сартарош бирпас ўйлаб турди-да, қўшиб

қўйди.—Энди, ука, сан ўзимизнинг маҳаллани боласисан. У ёғини ўзинг келиштириб бир ёзгин, хўпми?

— Бўпти,— дедим жилмайиб.

У кафтини очиб дуо қилди.

— Илойим омадингни берсин!— Сумкасини кўтариб уч-тўрт қадам нари борди-да, тўхтаб ўгирилиб қаради.— Агар-чи, ука, шу иш амалга ошиб қолса-чи, ҳар куни соқолингни ўзим оп қўяман. Текинга.

— Қайси иш?

Наим сартарош қайтиб келди.

— Ие, ҳалитдан буён қулогингга тамбур чертдимми? Газетангда мани мақтаб чиқарсанг, Олим паровозга ўхшаб персаналний пенса оладиган бўлсам, соқолингни ҳар куни ўзим оп қўяман. Эшитдингми, оғритмасдан оламан.

Мен уч-тўрт кунгача бу гапларни эслаб кулиб юрдиму кейин унутиб юбордим. Аммо Наим сартарош унутмаган экан. Қайси куни автобус бекатида мени кўриб қолди. Атайлаб пойлаб турган экан шекилли, маҳкам ушлаб олди.

— Ану нарсани ёздингми-йўқми?— деди очикдан-очиқ дағдаға билан.

— Ёздим.

— Ҳа, мана, бу бошқа гап.— Наим сартарошнинг юзи ёришиб кетди,— йигит кишининг гапи битта бўлади. Қачон чиқади энди?

— Эрта-индин чиқиб қолса керак. Ҳозир текширишяпти,— дедим ниҳоятда хотиржам оҳангда.— Агар рост бўлса, мақолани чиқариб сизга персаналний пенсия тайин қилишаркан. Агар нотўғри бўлса, судга беришаркан.

Наим сартарош бир лаҳза кўзларини пирпиратиб анграйиб қолди.

— Лаббай! Сўтга! Кимни сўтга беришади?

— Сиз билан мени. Ёлгон гапирганингиз учун сизни, ёлгон ёзганим учун мени.— Шундай дедиму бурилиб кетавердим.

Бир лаҳзадан кейин орқадан Наим сартарошнинг ингичка овози эшитилди.

— Ҳой, ука тўхтанг! Ҳой, Учқунжон...

Тўхтаб, бурилиб қарадим.

— Нима гап?

— Манга қаранг, ука,— деди у энтикиб.— Келинг, ўша нарса чиқмаса чиқмай қўя қолсин.

— Ия, нега энди?! Мен ёзиб топшириб қўйган мақолани қайтиб ололмайман.

Уч-тўрт қадам босган эдим, Наим сартарош пилдираб келиб йўлимни тўсди.

— Манга қаранг, ука, шу нарсани бости-бости қилиб юборсан-гиз-чи, ҳар куни соқолингизни икки мартадан оп қўяман. Шундоқ қилинг, жон ука.

— Ия, нега ахир? Персоналний пенсия олсангиз ёмонми?

— Хўп, денг, жон ука! Оч қорним-тинч қулоғим. Шу ишни тин-читиб юборинг. Ман сўзимнинг устидан чиқадиган одамман. Айт-дим-ку, ҳар куни икки мартадан соқолингизни олиб қўяман. Уйин-гизга бориб оламан.

Мен жуда қийин муаммо рўпарасида қолган одамдай, елкамни қисдим.

— Майли, бир уриниб кўраман. Аммо бу жуда мушкул иш-да...

Сартарош ўша куни мени уйимгача кузатиб қўйди. Кузатиб қўйди-ю, бари бир тинчимади. Кечаси алламаҳалда эшик тақиллаб қолди. Чиқсам, сартарош қийиқчага ўроғлиқ бир нарса кўтариб ту-рибди.

— Нима бу?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Иссиғида еб ола қолинг!— у тугунчани узатди.— Мошкичири. Ўз қўлим билан пиширдим.

— Э, Москвадаги мошкичиридан денг?

— Масковни мошкичириси қатта энди, ука! Унга қора қўчқорни пўстдумбаси солинарди. Бунисининг мазаси йўқроқ. Шундоқ бўл-саям илиндим, олинг, қўлим қайтмасин.

Майли, сазаси ўлмасин, деб сартарошнинг совғасини олиб қол-дим. У ҳалиям косасини олгани йўқ. Аммо, эшитишимча, энди чой-хонада Олим паровоз ундоқ, Ҳаким найнов бундоқ, менам персо-налний пенсия олишим керак, деган гапларни айтмайдиган бўлибди.

## ОШ

Профессор Обид Расулевич янги маҳаллага кўчиб келганига бир ойдан ошди. Бир куни эрталаб офтоб чиқмасидан дарвозаси тақиллаб қолди. Профессор пижамасини кийиб чиқса, ён қўшнисни Ҳолиқ тажанг турибди.

— Ия, домла, одам деган ҳам пешингача ухлайдими!— деди у шанғиллаб.— Қани, отланинг дарров!

Обид Расулевичнинг кечаси ишлайдиган одати бор эди. Барвақт туриш малол келарди.

— Қаёққа?— деди иккиланиброқ.

— Қаёққа бўларди, ошга-да!— Ҳолиқ тажанг шуниям билмайсизми, дегандек қўлини пахса қилиб тушунтирди.— Шокир вағ-вағнинг қудаси бор-ку, тахта искаладда ишлайдиган! Ана ўша жиянининг ўғлини суннат қилдирыпти. Чойхонанинг олдида автобус кутиб турибди. Қани, бўлинг чаққон-чаққон!

Профессор Шокир вағ-вағнинг ўзи ким, қудаси ким-у, қудасининг жияни ким, сўрагиси келди-ю, қўшнисининг раўйини қайтаришга ийманди. Нима қилсаям кўздек қўшни. Бунинг устига тажанг... Икковлари узун-қисқа бўлиб йўлга тушдилар. Ҳолиқ тажанг йўл-йўлакай яна олти хонадоннинг дарвозасини тақиллатиб, одамларни уйғотди. Чиндан ҳам чойхона олдида автобус кутиб турган экан. Октябрь массивидан Қўйлиққа етиб боришгунча кун чиқди. Ош еб чиққунларича кун ёйилди.

— Аммо ошини бошлабди, азамат!— Ҳолиқ тажанг ошпазни сидқидилдан мақтади.— Отасига раҳмат.— Кейин профессорга юзланди.— Сиз ҳойнаҳой хизматга борсангиз керак? Бўпти, ош еган қўлингизни беринг. Мен чойхонада бўламан. Ё пешинда димлама-пимлама организоват қиб қўяйми?

— Йўқ, йўқ, раҳмат.— Обид Расулевич шоша-пиша бош чайқади.— Ўзингиз баҳузур...

Ҳолиқ тажанг аллақайси бозорда қоровул бўлиб ишлар, уч кунда бир ишга борар, қолган кунлари маишат эди.

— Бўпти, бўлмаса!— у профессорнинг қўлини силкитиб қисди.— Чиқиб туринг, чойхона-пойхонага бундоқ, тобуткашмиз ахир, домла!

— Албатта, албатта!— Обид Расулевич хижолат чекиб, бош силкиганча, йўлига равона бўлди. Сахарлаб туришга ўрганмагани учун кун бўйи боши ғувиллаб юрди. Аксига олиб кечқурун илмий совет бор эди. Кўриладиган масалалар чўзилиб, мажлис ярим кечагача



давом этди. Уйига қайтди-ю, бир пиёла чой ичиб ётди-қолди. Қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза кечагидан ҳам қаттиқроқ тақиллай бошлади. У ваҳима ичида соатига қараса, беш ярим бўпти. Эр-хотин дарвозага югуришди. Эшик олдида яна Ҳолиқ тажанг турибди.

— Йилингиз уйқу, мучалингиз тушми, домла, нима бало!— деди у аския қилиб.— Э, одамларга қўшилинг-да, бундоқ, ётаверасизми, галанский печканинг олдида мудраган мушукка ўхшаб.

— Яна ошми?— профессор қўшнисига мўлтираб қаради.

— Ҳа-да!— ҳалиги юнусободлик Ҳусанбой полвоннинг ўғай ўғли Нортой бор-ку...

— Қайси Нортой?— деди профессор унинг гапини бўлиб.

— Ия, нимага танимайсиз? Қоратошдаги ҳаммомнинг ходими-га-ри бор-ку, хотини уч марта кетма-кет Ҳасан-Ҳусан туққан... Шариат бўйича эр-хотин қайтадан никоҳ ўқитишган.

Профессор ҳеч балони эсламаса ҳам «ҳа-ҳа» деб қўя қолди.

— Ана, баракалла!— Ҳолиқ тажанг қувониб кетди.— Шу Нортой денг, бир кўзида сал айби бўлсаям хўп ишнинг кўзини биладиган одам-да!... Учта тўйни қўшиб ўтказаяпти денг. Ҳам ота-онасининг кумуш тўйини қиляпти, ҳам бева қайинсинглисини эрга беряпти, ҳам ўртанча ўғлини суннат қиляпти. Қани бўлинг, чаққон-чаққон. Ия, ҳалиям мудраб турибсизми?

Профессор ош емади. Ош профессорни еди. Шу куни кечкурун химоя бор эди. Профессор оппонент бўлгани учун кун бўйи мук тушиб диссертацияни қайтадан ўқиб чикди. Уйига келиб, китоб ва-рақлагунча яна алламаҳал бўлди. Соат иккиларга яқин кўзи илинди.

У қанча ухлаганини билмайди. Бир маҳал дарвоза яна гурсил-лай бошлайди. Бу сафар Обид Расулевич шошилмасдан бориб очди.

— Яна нима гап, мулла Ҳолиқбой?— деди совуқ оҳангда.

— Ия, қанақа уйқучи одамсиз домла, онангиз ёстиқ билан қў-шиб туққанмилар? Бўлинг тезроқ, Қўчқор қассоб хотинига йигирма қиляпти. Шундоқ ойдек хотин суяк тиқилиб ўлиб қолса денг! Фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деб шуни айтади-да.

— Биласизми, мён Қўчқор қассобни танимайман,— деди пре-фессор қовоғини солиб.

— Сиз танимасангиз, биз таниймиз. Йигирма йил улфатчилик қилганмиз. Севера Вастокка кўчиб кетган бўлсаям, атайлаб айтиб кетди. Сиз ҳам мундоқ маҳалла-кўйга қўшилинг-да, қани бўлинг, қассобнинг оши қазили бўлади.

Шу куни профессор ўз ходимларининг олдида шарманда бўлди. Соат иккига мажлис чақирган эди. Тушликда озгина тамадди қилди-ю, столга бошини қўйганча, уйкуга кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Ходимларнинг секин-секин «адресли» йўталишидан уйғониб кетди.

Қараса, роса 40 минут ухлабди.

Уйига келди-ю, хотинига тайинлади.

— Эрталаб мен йўқман. Командировкага кетганман, вассалом!

У маза қилиб ухламоқчи эди. Бари бир бўлмади. Эрталаб Ҳолиқ тажангнинг чийилдоқ овозидан уйғониб кетди.

— Уят бўлмайдими янга! Номус бўлмайдими! Маҳалла-кўйга қўшилсинларда мундоқ! Кечкурун хоналарида ишлаб ўтирганларини ўз кўзим билан кўрдим. Чақиринг мундоқ!

Бўлмади. Уйқуси ҳаром бўлган Обид Расулевич ташқарига чиқди.

— Ана!— Ҳолиқ тажанг қувониб кетди.— Девор бўлмаса кўчани кўраминг-да, янгажон!

Хотини, мени ёлғончи қилмай ўлинг, дегандек қовоғини солиб ичкарига кириб кетди.

— Аммо Расул сартарош хўп оқибатли одам-да!— деди Ҳолиқ тажанг бошини сарак-сарак қилиб.— Жиззахга кўчиб кетган одам атайлаб тўйига айтиб кетди, денг. Бечоранинг ўғли йўқ. Тўққизта қизи бор. Шу денг тарговий техникумида ўқийдиган тўрва қоқдисини узатаётган экан. Шунча юриб юртнинг ошини едим, энди мен ҳам эл олдига дастурхон ёзай, деб, ош беряпти. Қани, бўлинг, бўла қолинг, чаққон-чаққон.

— Минг раҳмат!— профессор кескин ҳаракат билан қўлини кўсига қўйди.— Мен энди бўлдим. Илтимос, иккинчи тўрғай уйғонмасдан мени безовта қилманг.

У эшикни қарс этиб ёпди.

— У ака, праписир бўлсангиз ўзингизга!— Ҳолиқ тажанг дарвоза томонга иягини чўзиб бақирди.— Билиб қўйинг ў, тобуткашмиз! Улиб-нетиб қолсангиз тобутингизни маҳалла кўтаради.

Обид Расулевич тез-тез юриб, ичкари уйга кирди-да, чуқур ўх тортди.

Уша куни Ҳолиқ тажанг Жиззахдан пешинга яқин қайтди. Сменадан бўш бўлгани учун тўппа-тўғри чойхонага кирди.

— Бу праписирларинг одаммас экан-у!— деди қўлини пахса қилиб.— Вой, димоғингга беданам кўнсин! Мен бунга одам бўлсин, маҳалла-кўйга қўшилсин, десам, эшикни юзимга ёпиб ўтирибди. Вой сени ёзиб берган китобингга носвой ўраб сотай. Ўзим сезувдим-а, одамгарчилиги йўқ бунга, девдим-а! Бўлмаса кўчиб келганига икки кам қирқ кун бўлди. А мундоқ дастурхон ёз, юртга ош-пош бер, ўлар ердამисан? Ўзиям боласи йўқ шекилли, хотини ўзидан камидан ўн беш ёш кичик...

Ҳолиқ тажанг ҳадеб гап маъқуллар, профессор эса бу пайтда юраги сиқилиб, лабораторияда янги тадқиқот натижаларини текширар, шу иш амалга ошса, халққа қанча фойда тегишини ҳисоблар эди.

## МАШИНА СОТАМАН

Машина сотаман! Харидор борми? Кўп сўрамайман. Ўзиям японги. Энди ўн беш минг юрди. Сотмоқчи эмасдиму шароит шунақа бўп қолди.

Ўшанда, бир ярим йил илгари «Жигули»ни миниб келган куним десангиз, болаларнинг қувонгани! Келинингизнинг оёғи олти, қўли етти бўлиб югургилаб қолганлари! Бир неча йилдан бери йиғган пулимиз етмай поччадан икки минг қарз олганимиз ҳам эсдан чиқиб кетди. Қўни-қўшнилари болалари, бева қайнисинглим, боринги магазиннинг қоровулигача ҳаммасини катайса қилдириб чиқдим. Фақат гараж масаласи хийла хуноб қилди. Гараж деганиям беш юз туради. Шу топда беш юз тугул беш сўмни айтмайсиэми. Машинани ўша катайса қилган қоровулнинг ҳовлисига вақтинча қўйиб турадиган бўлдим.

Бир куни, десангиз, болалар далага олиб чиқасиз, деб туриб олишди. Шуларни деб олганмиз-да, жийронтойни! Ҳаммасини ўтқазиб «ҳайё-хуйт» деб йўлга чиқдик. Бир чорраҳадан ўтганимни биланмак, «чурр» этган товуш қулоғимга ўқдек кирди. Тўхтадим. Қарасам, ингичка мўйлов қўйган йигитча честь бериб турибди.

— Инспектор Қозоқбоев!— деди ўзини таништириб.

— Нима гап?— дедим овозим қалтираб.

— Чорраҳадан қизил чироқда ўтиб кетдингиз.

Шундай деди-ю ҳаш-паш дегунча талонимни «шиқ» этиб тешиб берди.

— Энди нима бўлади!— дедим бўшашиб.

— Ҳеч нима бўлмайди. Яна бир марта шунақа қилсангиз, қайтадан имтиҳон топширасиз.

ГАИга имтиҳон топшириш олий математикадан имтиҳон топширишдан ҳам азоб. Бошқаларни билмадиму менга шунақа.

Начора, айб ўзимда, «раҳмат» деб кетавердим. Боядан бери чуғурлашаётган болаларнинг дами ичига тушиб кетди. Даланинг ярим йўлидан қайтдик.

Эртасига бундоқ қарасам, бензиннинг чироғи кўзини қисиб-қисиб қўяпти. Бу дегани «очман, берсанг ейман, бермасанг ўламан» дегани бўлади. Машинани бензокалонкага ҳайдадим. Бундоқ қарасам, машина демагани турнақатор бўп кетибди. Навбатнинг думига

бориб турдим. Учта йигит сутранг «Волга»нинг соясига ўтиб карта ўйнаб ўтирган экан, секин сўрадим:

— Бирон соатларда навбат келиб қолар-а, биродарлар?

Қора кўзойнак таққан биттаси менга юзланди-да, тилла тишини кўрсатиб илжайди.

— Как раз тўртинчи одам керак бўлиб турувди. Қани, ўтир.

Чуст дўппи кийган яна бири тушунтирган бўлди:

— Бензин соат учда келади. Очиртингни эҳтиёт қил. Карта ўйинига киришиб кетдик. Ўн икки марта ютқазиб «аҳмоқ» бўлдим. Энди ўн учинчи қўлни ўйнаётгандик, бирдан қий-чув, тўполон бўлиб кетди. Эркаклар сўкишган. Хотинлар чинқирган. Салкам икки соатда менинг ҳам навбатим келди. Жўмракни энди тикқан ҳам эдимки, аппарат, бурови синган соатдай «тир-тир» қилдию овози ўчди.

— Бензин тамом!— деди кўк халатли сотувчи бақириб.— Тарқал ҳамманг!

— Алам қилиб кетди. Югуриб олдига бордим.

— Бу қанақа гап амаки! Бизда бензин муаммоси деган гап йўқ-ку!

— Лимит чатоқ,— деди бензинчи қўлини пахса қилиб.— Ҳозир кварталнинг охири. Лимит тамом бўлган. Пандаги бензинни еб бўлганмиз.

Улай агар, ҳеч қачон шунчалик бўғилмаган эдим, Бақириб бердим:

— Лимитни белгилайдиган овсарлар кун сайин машина кўпайиб бораётганини билмайдими!

Бензинчи лабининг бир чеккаси билан илжайди.

— Бунисини лимитни белгилайдиганларга айтасиз, акаси! Бизлар кичкина одаммиз.

Янги квартал бошлангунча машинамни қантариб қўймоқчи эдим, қоровул чол мулойимгина қилиб вазиятни тушунтирди:

— Тўйимиз юришиб қолди, жиян.

Тушундим. Бировнинг машинаси бировнинг ҳовлисини хира қилиб ётавериши инсофдан эмас.

Шунда денг келинингиздан ақлли маслаҳат чиқиб қолди.

— Темир гараж олишингиз шартми! Ана, домнинг орқасида хайҳотдай майдон бўш ётибди. Ғиштдан гараж қуриш-қўйинг-да!

Шундоқ бўлди. Ўша майдонга бир машина ғишт туширдим. Энди лой қораётган эдим, «дом»имизнинг энг фаол пенсионерларидан тўрттаси келиб қолишди.

— Бу ерда гараж қуриш мумкин эмас!— деди протез тишли чол қўлидаги қоғозни кўрсатиб.— Дом олдига гараж қуриш таъқиқланган. Мана ҳужжат.

— Бўлмаса қаёққа қўяй машинани!— дедим йиғлагудай бўлиб.

— Кира ҳақи тўлаб, қўйиладиган исписални гаражлар бор. Йигирма иккинчи кварталда.

Йигирма иккинчи квартал дегани олти чақирим нарида экан. Ойига ўн сўмдан тўлайдиган бўлиб машинани қўйдим. Кеч қолиб кетган эканман, қайтишда пиёда келдим. Машинада борган одам пиёда қайтса ғалати бўларкан.

Уйга кирсам, келинингиз хомуш ўтирибди.

— Машинани сотиб қўя қолмайсизми, дадаси!— дейди.

Капалагим учиб кетди.

— Эсинг жойидами! Ун икки йил пул йиғиб, саккиз йил очерид туриб олган машинани сотамизми?

Келинингиз хўрсинди.

— Почча келиб кетдилар. Чет элга сафар қилмоқчи эканлар...

Бошим қотиб қолди. Бирга ишлайдиган жонажон дўстим бор. Шуникига бордим. Минг сўм олдим-да, ҳазиллашиб қўйдим:

— Вақтида қайтариб беролмасам, машина сеники!

Шу орада нохуш ҳодиса рўй берди... Чорраҳага кираверишда тўхтаб тургандим. Бирдан «гурс» этган товуш эшитилди. Мундоқ тушиб қарасам, тоғдай троллейбус-машинамнинг орқасига қапишиб турибди. Алам билан троллейбус ҳайдовчи боланинг ёқасига ёпишдим.

— Тўлаб бер машинани!

— Айб менда,— деди ҳайдовчи йиғламсираб.— Айб менда, жон ака! Фақат акт тузмай қўя қолайлик. Бўлмаса правамдан айриламан. Одамлар ўртага тушди.

— Хўп денг энди, болага жабр бўлмасин.

— Ўзинглар келишинглар, ўзинглар!

— Жонингиз омон қолганига шукур қилмайсизми, биродар.

— Ҳа-да! Устага эллик сўм берсангиз, илоннинг оғзидан чиққандай яп-янги қилиб беради.

Хуллас, у бўлди-бу бўлди, қўлимга эллик сўм тутқазиб троллейбусчи йўлига кетди. Мен ҳам пачақ машинани ҳайдаб устахонага бордим.

— Иши кўп,— деди уста бош чайқаб. Камида икки юз сўмлик иши бор. Ундан кейин манави чироқнинг қопқоғини ўзингиз топасиз. Бизда йўқ.

— Неча сўм туради ўзи?— дедим минғиллаб.

— Ўзи икки сўм ўттиз тийин туради. Аммо, бизда йўқ...

Чироқнинг қопқоғи бозорда бўларкан. Савдолашиб йигирма беш сўмга зўрға олдим. Авария пайтида ўртага тушган корчалонлар тўғри айтишган экан. 250 сўм берган эдим, машинам чиндан ҳам илоннинг оғзидан чиққандек яп-янги бўлди. Аммо, энди бари бир кўнглим совиди. Келинингизнинг гапи ростлигига ишониб қолдим.

Орадан икки ҳафта ўтганидан кейин яна бир воқеа бўлди.

Кечқурун шундоқ ишхонадан чиқсам, машинанинг номери йўқ. Номерсиз машина тиши синган одамга ўхшаб хунук кўринаркан. Суриштирсам, номерини инспектор қиз ечиб олибди.

— Тагин нима бўлди!— дедим хунобим ошиб,— нима гуноҳ қила қолдим, синглим!

— Бу ерда машина туриши мумкин эмас,— инспектор қиз мулойим жилмайди.— Қоида шунақа.

— Ўзингиз айтинг, мен нима қилай! Гараж қуриш мумкин бўлмаса, запчастни ўн баҳосига олсам, ойнинг охирига бориб бензиннинг лимити адо бўлса, ишхонанинг олдига машина қўйиш мумкин бўлмаса, нима қилай! Машинани орқалаб юрайми? Нимага олганман ўзи бу дардисарни!

Инспектор қиз янаям мулойим жилмайди.

— Унисини билмайман амакижон. Бу ерда фақат служебний машиналар туради. Қоида шу.

Шу гапдан кейин машинани сотмаган номард, деб қасам ичдим. Ишдан қайта туриб, мактабдош дўстимни учратиб қолдим. Бозор-ўчар қилиб чиқаётган экан, ола кетдим. Бир вақтлар машинага ўлгу-дек ўч бола эди. Шу эсимга тушиб, гапни айлантирдим.

— Қалай, ҳалиям машинани яхши кўрасанми?

Оғайним ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— «Москвичим» бор эди, сотиб юбордим. Қутулганимга шукур. Нафасим ичимга тушиб кетди. Машинани олти чақирим наридаги ижарага гаражга ташлаб шундоқ уйга кирсам, поччам илжайиб ўтирибди. Бир сапчиб тушдим. Нимага келарди, қолган минг сўмни сўраб келганда?

Салом-алиқдан кейин мақсадга кўчдим.

— Энди, поччажон, сиз менга отам қилмаган яхшилиқни қилдингиз, минг раҳмат! Аммо киши бировдан қарз бўлса, яхши ухломмас экан. Мана шу машинани олсангиз. Баҳонада мен қарздан қутуламан. Сиз ҳам машинали бўлиб қоласиз.

Поччам кескин бош чайқади.

— Биринчидан, сиз менга бегона эмассиз. Ўз жигаримсиз. Анави омонатни бугун беринг, деётганим йўқ. Қолаверса, мен машинани нима қиламан. Биласиз, қулоқ масаласи чатоқ. Яхши эшитмайди.

Бу гал ҳам савдо пишмади. Эрталаб ишга келган заҳоти жонажон дўстимнинг хонасига кирдим.

— Бир маслаҳатли гап чиқиб қолди, дўстим. Шу машинани сенга берсам. Пулини қистамайман.

Дўстим дарров гапимни бўлди:

— Йўқ, машинани умид билан олгансан. Ўзингга буюрсин.

Астойдил ялинишга тушдим.:

— Жон дўстим, хўп дегин, олгин шу нарсани. Йўқ демагин.  
Дўстим масхаралаб кулди:

— Тушингни сувга айт! Мен ўз пулимга бир қоп ғалва сотиб оладиган аҳмоқ эмасман.

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, хонадан чиқиб кетдим.

Уша кундан бери харидор қидираман. Машинани оладиган мард йўқ. Бир суриштиб кўринглар, машина оладиган одам бормикин? Кўп сўрамайман. Ўзиям яп-янги. Энди ўн беш минг юрди. Ташлаб юборай десам, ўн икки йил пул йиғиб, саккиз йил очерид кутганим алам қилади. Кеп қолинг, машина сотаман!

## МЕН, БУВАМ ВА РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР

Мен бувамга қанчалик алоқадор бўлсам, рангли телевизор менга шунчалик алоқадор. Агар бувам бўлмаганида мен бўлмасдим. Мен телевизор олмаганимда бувамнинг жаҳли чиқмасди. Бувамнинг жаҳли чиқмаганида ирғай ҳассасини кўтармасди, ҳассасини кўтармаганида... Ҳеч нимага тушунмаяпсиз-а? Худо ҳаққи, ўзимниям бошим айланиб кетди. Келинг, бир чеккадан гапириб берай.

Шундай қилиб, мен — бу мен. Бувам — отамнинг отаси. Саксон уч ёшда. Бутун бошли буқани десам лоф бўлар-ку, ўртачароқ ғунажинни бир мушт уришда сулайтиради. Фақат икки йил бурун оёғига бод келиб, сал оқсаб қолди. Сурхондарёга борганимда Боботоғдан атайлаб ирғай ҳасса олиб келганман. Ўзиям салкам чорак пуд келади.

Шу десангиз, бир куни тинчгина романимни ёзиб ўтирсам, олдимга бувам келиб қолди.

— Ким айтади сени ёзувчи деб! Олмайсанми бу рангли телевизордан биттасини,— деди кулранг қошини уйиб.

Ўғлим мендан қанчалик қўрқса, мен отамдан шунчалик қўрқаман. Мен отамдан қанчалик қўрқсам, отам бувамдан шунчалик қўрқади. Оиламизда бувамнинг сўзини икки қиладиган мард йўқ.

— Хўп бўлади, шу шанбагача ест қиламиз,— деб юборибман икки қўлимни кўксимга қўйиб.

Бувам чиқиб кетиши билан телефон жиринглаб қолди.

— Мен кинорежиссёрман,— деди ўртачароқ йўғонликдаги овоз ўртачароқ қўполлик билан.— Сизни кўришим керак.

Ярим соатдан кейин кўришдик. Режиссёр сочи елкасига тушган, ўртачароқ мўйлов қўйган йигит экан.

— Қалай?— деди у тўсатдан.

— Нима қалай?

— **Бизнинг фильмлар?**

Чайналиб қолдим. Ростини айтсам, шу режиссёрнинг фильмларини унчалик жиним суймасди.

— Билмасам,— дедим минғиллаб.— Фильмингиздаги одамлар фалати роқми-ей... Томошабин экранда ўзига ўхшаган одамларни кўрса яхши бўлармиди.

— А, ким виноват?— деди у ўртачароқ қўполлик билан,



Елкамни қисдим.

— Сиз виноват!— режиссёр қўлини тўппонча қилиб пешанамга ўқталди.

— Мен?

— Да, да, сиз!— режиссёр ўрнидан туриб кетди. Чўнтагидан сақич чиқариб, зар қоғозини очди-да, карсиллатиб чайнай бошлади.— Сиз ёзувчилар сценарий ёзиш деса, қорангизни кўрсатмай-сиз-у, бировнинг фильмини ёмонлайсиз.

Энди оғиз очиб фикримни айтмоқчи эдим, режиссёр гапиртирмади.

— Мен делавой одамман!— у бошини бир силтаган эди елкасига тушган сочлари арслоннинг ёлидек силкиниб кетди.— Гап шу современинги темада сценарий ёзиб берасиз. Сизга бир йил срок.

— Ахир мен умримда сценарий ёзган эмасман.

— Роман ёзган одамга сценарий ёзиш нима бўпти,— режиссёр жеркиб берди.

У чиндан ҳам деловой одам экан. Бирпасда қўлимга шартнома қоғозини тутқазишди. Шартномага биноан мен бир йил ичида замонавий мавзуда сценарий ёзишим, шунинг эвазига қалам ҳақининг тўртдан бирини олдиндан олишим мумкин экан. Қандоқ қилиб қоғозга қўл қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

— Пулингизни учинчи қаватдаги кассадан олинг,— деди режиссёр яна арслоннинг ёлидек сочларини силкитиб.

Умримда битмаган ишга ҳақ олган эмасман. Бу гал ҳам олмоқчи эмасдим-у, бувамга берган ваъдам эсимга тушиб қолди. Касса дарчасидан бошимни суқишим билан қўлимга 560 сўм тутқазишди.

Қари билганни пари билмас, деган гапни ким айтган бўлса, уйига буғдой тўлсин! Рангли телевизорда футбол томоша қилиш, айниқса маза бўларкан. Нукул бувамга тасанно ўқийман. Бир чеккаси анави делавой кинорежиссёрниям дуо қилиб қўяман. Аммо олмоқнинг бермоғи бор, деганларидек, бўйиндаги қарзни узиш керак. Эрта биланоқ ҳамма ишимни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, сценарий ёзишга киришдим. Тўрт ой деганда сценарий битди. Қўлтиқлаб обордим.

— Маладес!— деди режиссёр арслоннинг ёлидек сочларини силкитиб.— Бир ҳафтада ўқиб қўяман.

Бир ҳафтадан кейин бордим.

— Чепуха!— режиссёр сценарий солинган папкани бир отган эди, стол устидан сирғалиб келди-да, қўлимга тушди.

— Нимаси чепуха?— дедим ҳайрон бўлиб.— Ҳаётий эмас?

— Вот именно ҳаётий!— режиссёр ўртачароқ қўполлик билан яна қайтарди.— Именно ҳаётий.

— Бўлмаса қанақаси керак?

— Менга ҳар қадамда учрайдиган одам керакмас. Оригинал бўлсин. Ҳеч кимга ўхшамасин!

Режиссёр у деди, мен бу дедим. Хуллас, яна икки ой муҳлат беришди. Энди ҳамма рангли телевизор кўрса, мен хонамга қамалиб, қахрамонларимни ҳеч кимга ўхшатмаслик билан овора бўлдим. Айтилган муддатда сценарийни яна обордим.

— Маладес!— режиссёр елкамга қоқди.— Бир ҳафтада ўқиб қўяман.

Бир ҳафтадан кейин бордим. Бироқ, бу сафар эшикдан қувониб эмас, ижирғаниб кириб бордим. Режиссёр ҳам ижирғаниб ўтирган экан.

— Ерунда!— деди арслоннинг ёлидек сочини силкитиб.

— Яна нимаси ерунда?

— Биронта эпизодда эшак йўқ.

— Нима?

— Эшак йўқ, дейман!

— Эшакни нима қиласиз?

— Местний колорит керакми — йўқми?

— Қачонгача эшак колорит бўлади?— дедим бўғилиб.— Эшакка бош қоронғи бўлганмисиз, нима бало? Ҳар киноингизда эшак ҳанграмаса, хумордан чиқмайсиз.

Режиссёр мендан яна бунақа қайсарликни кутмаган бўлса керак, ўйланиб қолди.

— Бари бир колорит керак.

— Менга қаранг,— дедим анчадан буён ўйлаб юрган гапимни айтиб. 560 сўмни обкелиб кассангизга топширсам қутуламанми?

— Нима?— режиссёр арслоннинг ёлидек сочларини шу қадар шиддат билан силкитдики, елкасидан чўғ чиқиб кетгандек бўлди.— Ни зачто! Ишингиз судга тушмасидан сценарийни битиринг. План куйяпти.

Уйга келсам, бувам рангли телевизорнинг рўпарасига ўтириб олиб, мақом концертини кўряпти. Тўғриси, бувам ҳам кўзимга хунук кўриниб кетди.

Бир ярим ойдан кейин сценарийни яна обордим. Бу сафар режиссер уч кунда ўқиди.

— Шу... помоему биринчи вариантнинг ўзи ничего эди шекилли,— деди бўшашиб.

— Бўлмаса нега шунча бошимни қотирдингиз?

Режиссёр арслоннинг ёлидек сочларини оҳиста силкитди.

— Ёзувчи режиссёрнинг хотини, деган гапни эшитганмисиз?

Алам қилганидан ўрнимдан туриб кетдим.

— Судга берасизми, сургунга юборасизми, тамом! Мен сиз билан ишлолмайман.

— Зато сиз билан мен ишлайман,— режиссёр яна асабийлаша бошлади шекилли, сақич чайнашга тушди.— Шуни билингки, кино китоб эмас. Сценарий аллақанақа роман ёзишмас.

— Ўзингиз айтгандингиз-ку, роман ёзган одамга сценарий чепуха, деб.

— Совершенно тўғри. Лекин роман битта сизники бўлса, кино кўпчиликники. Тушундингизми? Ҳали марказдан ҳам биронта соавтор топиш керак. Бўлмаса, чиқиши қийин.

Чиқиб кетдим. Шу билан қутулдим деб ўйлаган эдим. Қаёқда? Яна олти ой судралиб юрдим. Сценарий деган нарсани хоҳлаган пайтда, хоҳлаган одам ўзгартираверар экан. У жойига актернинг тили келишмайди, бу жойи операторга ёқмайди... Орадан бир йил ўтди. Бир куни чала қолган романимни ёзиб ўтирсам, болалар қийчув қилиб қолишди.

— Урре! Дадамнинг киносини бераркан!

Катта хонага кирдим. Энг ўртага юмшоқ креслода ирғай ҳассасини маҳкам ушлаб бувам ўтирибди. У ёқда дадам, бу ёқда ойим, хотиним, болалар... Бир маҳал фильм бошланди. Экранда сценарий авторлари деган ёзув пайдо бўлди-ю, бир эмас, учта фамилия кўринди. Биринчиси режиссёрники, яна бири мен танимайдиган фамилия, охирида меники... Ҳа, майли кино кўпчиликнинг мулки, деб қўя қолдим.

Шундай қилиб кино воқеалари бошланиб кетди. Менинг сценарийим бўйича, қишлоқнинг обрўли отахони кичик ўғлининг «Жигули»сида шаҳарга, катта ўғлинигига бориши керак эди. Менинг чолим ихчам салла ўраган, нос чекадиган чол эди. Кинодаги чол исқирт похол шляпа кийиб чиқди. Муштдек трубкага тамаки тўлдириб, тўйиб-тўйиб тутата бошлади. Дарвоза олдига «Жигули» эмас ҳанги эшак келиб тўхтади. Менинг сценарийим бўйича кампир чолининг қўлига тугун тутқазishi, тугунда ёнғоқ, туршак бўлиши керак эди. Кинодаги кампир эса зипиллаб келди-да, чолининг лабларидан сўриб-сўриб ўпа бошлади.

Бундай разм солсам, ойим тескари қараб олибди. Дадам рўмолча қидирган бўлиб, нуқул чўнтагини кавлайди. Бувамни кулранг қошлари уйилиб, учбурчак бўлиб кетибди.

Кино ҳамон давом этарди. Шундай қилиб исқирт шляпа кийган чол эшакка чаққонлик билан минди-да, трубка тутатиб йўлга тушди. Менинг сценарийим бўйича чол колхоз чойхонаси олдида машинадан тушиб, бир пиёла кўк чой ичиши, чойхўрлар билан пахта ҳақида гаплашиши керак эди. Кинодаги чол кафе олдида эшагидан тушди-да, ичкари кирди. Олтита сосискани паққос тушириб олди, устидан бир кружка кўпириб турган пивони ҳузур қилиб симирди-да, узундан узоқ фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

Менинг сценарийим бўйича, чол йўлда карнай-сурнайли тўйга дуч келиб қолиши, тўй эгалари уни иззат-икром билан ичкарига олиб киришлари, чол келин-куёвга оқ фотиҳа бериши керак эди. Кинодаги чол духовой оркестр чалиб кетаётган бир тўда ёш-ялангларга дуч келди. Унинг қўлидан судраб ичкарига олиб киришди. Чол келиннинг рўпарасига ўтириб олдида, ўз қўли билан шампанни пақиллатиб очди. Бокалга тўлдириб, фўлқ этиб ютди-ю, келинга қараб ўзидан-ўзи муқом қила бошлади.

Секин разм солсам, уйдагиларнинг ҳаммаси чекка-чеккага қараб ўтирибди. Ойим билан хотиним секингина чиқиб кетишди. Бувамнинг ирғай ҳасса тутган қўли титрай бошлади.

Ниҳоят кинодаги чол катта ўғлиникига етиб келди. Ҳайрият бувамга ёқадиган жойига келдик. Менинг сценарийим бўйича чол кичикроқ оилавий жанжал устига келиб қолиши, ўғли билан келинига насиҳат қилиб, эр-хотинлик масъулиятини тушунтириши керак эди. Кинодаги чол ҳам жанжал устига келиб қолди. Биттаси беш яшар, биттаси уч яшар икки бола икки чеккада тўхтовсиз ариллар, сочлари пахмайган хотин нуқул чамадонга кийимларини жойлар эди. У қайнатасини кўрди-ю, бирдан бобиллади. «Мана шу мишиқилар деб умримни ўтказаманми? Ҳечамда! Мен жинни бўлганим йўқ».

«Ё худо ўзинг асра,— дедим пичирлаб.— Сценарийда бунақа гаплар йўқ эди-ку». Кинодаги келин чолнинг рўпарасига келди-да, бошидан парикни юлиб олиб, ерга улоқтирди. «Кетаман, чўл-биёбонларга кетаман!» «Маладес,— деди чол тўсатдан.— Бунақа мишиқилар деб умрингни ўтказма! Эшитдим, ҳаммасини эшитдим. Саҳроларни бўстонга айлантиришга жазм этибсан, маладес! Сен современин хотинсан. Мен доимо сени паддержжа қиламан. Бу мишиқилар ўзидан-ўзи катта бўлиб кетаверади».

Шу ерга келганда бувам чидаб туролмади. Шаҳд билан ўрнидан турди-да, чорак пуд келадиган ирғай ҳассасини бир отган эди... Телевизор деганнинг кинескопи куйиб ўтирмас экан, портлаб қўя қоларкан.

Ҳаммамиз пилдир-пис бўлиб, уй-уйга кириб кетдик. Ўша куни менга нашриётдан хат келди. «Ҳурматли... Романингизни ўз вақтида топширмаганингиз сабабли нашриёт планидан чиқариб ташлади».

Ҳа, айтгандай, ўша кундан буён бувам телевизорнинг яқинига бормайди. Мен умуман кино кўрмайман.

## ҚОҒОЗГА УРОҒЛИҚ ҚАНД

Уйланганимга эндигина уч ой бўлди. Аммо келинингизнинг анча-мунча сир-асрорларини билиб олдим.

Авваллари ҳамма қизлар яхши-ю, ёмон хотинлар қаёқдан келади, деб ҳайрон бўлардим. Энди билсам, бунинг ҳеч қанақа ажабланадиган жойи йўқ экан: қиз бола деган нарса анорга ўхшаркан. Қўлингизга олиб қарасангиз, бинойидай кўринаркану, пўстини арчиганингиздан кейин биларкансиз: хомми, бемазами, аччиқми...

Йўқ келинингиз унчалик хом эмас. Ўзига етгунча пишиққина. Аччиқ ҳам эмас-ку... сал нордонроқ чиқиб қолди.

Мана, бугун ҳам кечаси қулоғимнинг тагида алланималарни тонготар гапириб чиқди. Ўзим ярим кечагача хонамда мук тушиб ўтириб ишлаганман... Биринчи кунлари бунақа аҳволга чидолмай юрдим-а. Лекин одамзод ҳар қандоқ нарсага кўникаркан. Бора-бора кўникаиб кетдим. Ҳокимият учун кураш қайси оилада бўлмайди, дейсиз. Ҳозир у гапирaveraди. Мен бўлса, худди аллалагандек, маза қилиб уйқуни уравераман.

Эрта билан туриб қарасам, келинингиз ширингина ухлаб ётибди. Чарчаган-да, бечора! Бировнинг қулоғига кечаси билан танбур чертиб чиқиш осонми!

Секингина туриб, бурчакдаги тошойна олдига бордим. Электр машинани ғириллатиб соқол ола бошладим. Келинингиз уйғониб кетди шекилли, каравот ғирчиллади. Бир кўзини очиб, мўралаб қўйганини ойнадан кўриб турибман. Индамай ишимни қилавердим, «Нима энди, ўрнидан турғизиб ҳам қўяйми?»

Чой ичишга ўтиришим билан танбур жонивор кеча тўхтаган пардасидан яна тинғиллай бошлади.

— Вазирани танийсизми?.. Тўйда келган эди-ку...

— Анави ёнингизда ўтириб олиб «Эрингни бугундан бошлаб қўлингга ол», деб ўргатган тилла тишли қизми?

— Йўқ униси Назира... Бу — бошқаси.

— Ҳа, ваъз айтаман деб, шампан шисасини тушириб синдириб юборган анави семиз қизни айтасиз-да...

— Йўқ, сиз Нафисани айтаяпсиз. Бошқаси...

«Бўлса бордир, менга нима?!»

— Ҳа энди бўлса бордир,— деб қўяман гапни айлантормаслик учун.

— Нега энди танимас экансиз! Соқол олишни биласизу, Вазирани танимайсизми?

«Гапини қаранг! Менинг соқолим билан унинг Вазирасининг нима алоқаси бор!»

Келинингизнинг зийраклигига қойил қоламан. Кўнглимдан нима гап кечганини дарров била қолади.

— Уша, сиз ҳар куни ғижиллатиб соқол оладиган машинани Вазира ўз қўли билан совға қилган.

«Совға қилган бўлса, барака топсин. Раҳмат!»

— Э, ўша совға қилган денг! Яхши-яхши,— дейман секингина. Келинингиз ийиб кетади.

— Яхшиликка яхшику-я! Лекин бировнинг қилгани бировнинг қорнида ётмайди-да! Уям умид билан совға қилган.

«Қизиқ, аллакимнинг соқол машинаси қанақасига менинг қорнимда ётсин!» Ҳайрон бўлиб қараб қўяман.

— Хўш?

— Ўзингиз биласиз, эртага байрам. Вазираникига бирров бориб келмасак бўлмайди.— У менга чиройли қараш қилиб қўяди.

— Анчадан буён атлас кўйлагим йўқ деб юради, ўртоғим бечора... Намозшом атлас мода бўлган. Магазиндан топилмайди. Бозордан оласиз-да. Фарқи кўп эмас. Бир кийимлиги юз эллик сўм тураркан. Инженер деган одамга юз эллик сўм нима деган гап...

Ичимда алланима жиғ этиб кетганини ўзим аниқ эшитаман. Нимагадир ич-ичимдан чуқур хўрсиниқ келади. Қорним тўйганини баҳона қилиб, тошойна олдига бораман-да, галстугимни тақа бошлайман.

— Сиз айтаётган Нафиса тошойнани совға қилган! Уша семиз қиз-да,— дейди келинингиз ўтирган ерида.

Тошойна орқасида худди ўша семиз қиз кўзларини олайтириб тургандай, даҳшат ичида юзимни ўгираман.

— Бунингиз ҳам шом атлас киядиларми?

— Йўқ унга бир кийим атлас етмайди. Тўла-ку жуда. Яхшиси, шарф олинг. Англиядан келган шарф бор экан. Етмиш икки сўм неча тийин ҳам туради дейишганди...

Қизиққон одамдан яхши куёв чиқмайди. Мен бўлсам, қуда томонинг таърифича, яхши куёв эмишман...

Бир чеккадаги стулга ўтирганча пайпоғимни кия бошлайман.

— Шу пайпоқ жуда чидади-я,— келинингиз бошим устида эгилиб.

Ваҳима билан кўзларимни пирпиратаман.

— Хўш?

— Ўзиям чиройликкина...

— Хўш?

— Уч ойдан бери киясиз-да?

— Хўш?

— Намунча хўшлайсиз? Нима мен ҳўкизманми?

«Оҳ, қанийди хўқиз бўла қолсанг-а. Шаппа бўйнингга арқон ташлардим, бозорга олиб бориб, ярим баҳонингга сотиб келардим. Тушган пулга бутун маҳаллани чақириб ўтириш қилиб берардим: қутулганим учун».

— Пайпоқни ҳам Нафисахон совға қилганмилар?

Негадир овозим ҳеч ўзимникига ўхшамайди.

— Йў-ў-ўқ,— дейди келинингиз чўзиб.— Буниси Назиранинг совғаси. Узиям камтаргина қиз. Битта хитойи жемпир бўлса боши осмонга етади. Юбкаси билан бўлса яна яхши. Нарӣ борса юз йигирма сўм туради. Нима, от билан туя бўлармиди?

Пайпоқни иссиғида каравот тагига ташлай қоламан.

— Менга қаранг, хоним, нариги уйда, қутининг ичида сариқ пайпоқ бор. Студентликдан қолган пайпоғим... Олиб чиқинг.

Келинингиз ҳайрон тикилиб қолади.

— Нима, ўшани киясизми? Ким айтади сизни инженер деб?

— Ким айтади, сизга инженерлар миллионер бўлади деб!

Келинингиз парво қилмайди.

— Мен нима қилай? Уртоқларим умид билан совға қилган.

— Ҳали ўзингизни ҳам биров совға қилгандир менга? Бунинг ҳақини ҳам тўлашим керакдир...

— Бўлмаса-чи... Онам раҳматлик йигирма икки йил қоғозга ўроқлик қанддай асраганлар мени.

«Ўша онанг гўрида типпа-тик турмаса рози эмасман! Сени қоғозга ўрамаганида эди, афт-ангорингни кўриб, бурилиб кета қолардим».

— Бошимда битта-ю, битта отам қолди,— дейди у уф тортиб.— Майли.. отамнинг масаласи оғир эмас. Бозорда энг бориб турган дўппи ўттиз сўм экан. Битта чопон, битта махси-кавуш (дадам калиш киймайдилар) укамга битта мотороллёр, синглимга шоҳи рўмол...

— Менга қаранг,— дейман, унинг оғзидан муттасил отилиб чиқаётган сўзлар оқимини бўлиб.

У бир зум тўхтаб қараб қолади.

— Арқон борми?

Келинингиз ҳайрон бўлиб киприкларини пирпиратади.

— Нимагайди? Кеча ювган кирларингизни балкондаги чизимга-ча илиб қўювдим-а...

— Ўзимни осаман!— дейман ишонч билан.

— Вой, у жуда ингичка-ку! Сизни кўтара олармиди, гавдангизни қаранг.

«Ҳа-ҳа! Шунақа дегин! Бекорга ўлиб кетадиган аҳмоқ эканман-

да. Йўқ анойи эмасман. Аввал сени осаман. Кейин Назирани, кейин Вазирани, ундан кейин Нафисани, ана ундан кейин ўзимни осаманми, йўқми, бунисини ўйлаб кўраман!

Келинингиз бўлса, ниятимдан мутлақо беҳабар одамдай, пинагини бузмайди.

— Юринг,— дейди пинжимга кириб.— Аввал магазиндан бояги нарсаларни олайлик-чи, здачисига арқон бериб қолар...

Мен шўрлик индамай унга эргашаман.



## ЭНГ ОДДИЙ АРИФМЕТИКА

Ҳисоблаш маркази-ихчам идора. Ходимларининг кўпчилиги аёллар. Шу боисданми, улар ошхонага бориб ўтиришмайди. Ҳар ким уйдан келтирганини ўртага қўйиб, хонанинг ўзида тушлик қилишади. Бугун ҳам шундай бўлди. План бўлимида ишлайдиган Озодахоннинг мантаси, технолог Раҳимахоннинг қуруқ норини, бухгалтер Ақида опанинг сомсаси еб бўлингандан кейин экономист Ойниса чой қўйди.

Озодахон бир пиёла чой ичди-ю, тўсатдан қарсак чалиб, ўрнидан туриб кетди.

— Вой эсим қурсин! Мен сизларга бир нарсани кўрсатмоқчи эдим-ку!— У шоша-пиша столини очди, Чоғроқина қутича чиқарди. Аёллар дарров атрофини ўраб олишди.

— Вой этикми?

— Қани бир кўрай.

Бир зумда хона қий-чувга тўлиб кетди. Биров этикнинг платформа пошнасини томоша қилган, яна биров ичига қўлини тиқиб пахмоғини силаб кўрган...

— Узиям югославский этик — деди Ойнисахон тушунтириб.

— Бизнинг домимизда обувной отделда ишлайдиган хотин туради. Бечоранинг эри йўқ. Шу десангиз, ўзига биттагина олган экан. Кичкина келибди. Менга жудаям ёқди-ю, катта келди.

— У технолог Раҳимахонга қаради.— Балки сизга тўғри келар. Подёмингиз баланд.

— Қани, бир кўрай-чи?— Раҳимахон этикни кийиб кўрди. Оёғини сандалга тиққандек, маза қилди шекилли, кўзларини сузди.— Ажойиб этик экан. Неча пул сўраяпти?

— Ўзининг баҳоси 120 сўм. Қўшним бечора 130 га олибди. Шуни биронта сўраган одамга сотиб берсангиз, деди.

Улар бир тўхтама келишмасиданоқ, Ақида опа бурчакда турган столига томон югуриб қолди.

— Буни қаранг, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди.— У Ойнисахонга қаради.— Укамга жинси шим тополмаяпман девдингиз. Овсинимнинг синглизини эри билан курортга борувди. Ўша ердан атайлаб олиб келган экан.— Ақида опа қоғоз қатинини очиб эчкининг қўлтиғига ўхшаб қатирма бўлиб кетган шимни олди.

Ойнисахоннинг кўзлари ёниб кетди.

— Вуй, мунча чиройли!— деди шимни сийпалаб.— Укам шўрлик бир йилдан бери қидиради шунақасини?

— Икки юз сўм экан. Ўзиям италянскиймиш-да! Овсинимнинг синглисини эри ўзи киймоқчи экану кичкина кепти.

Зум ўтмай, Раҳимахон сумкасидан бир қисмгина қилиб ўралган «пуховой» рўмол чиқарди. Бир қўшнисининг қудаси Уфада турар экан. Уша ердан арзон нарх билан— бор-йўғи 150 сўмга рўмол юборибди. Ушани ёйиб кўришди. Кейин Озодахон французча упасини кўрсатди. Бунақа «компактний» упа ҳеч қаерда йўқ экан. Нариги домда турадиган аммаваччаси атайлаб Ригадан ўнтагина олиб келибди. Арзонга сотармиш.

Ярим соатда хона бозорга айланиб кетди. Стол устида камёб, бунинг устига «арзон-гаров» сотиладиган нарсалар тўлиб кетди. Буни қарангки, худди шу пайт аксига олгандек ҳисоблаш марказининг директори Алиев билан бош бухгалтер Валиев кириб қолишди.

— Нима гап?— деди Алиев қошини чимириб.— Магазин очилди-ми бу ерда?

— Йўғ-е,— деди Валиев негадир илжайиб.— Магазин эмас, чайқов бозорининг филиали очилган.

— Қанақасига?— Алиевнинг капалаги учиб кетди.

— Шунақасига-да,— деди Валиев яна илжайиб.— Бундан оддийроқ арифметика йўқ. Ҳозир чайқовчилар бозорга чиқмайдиган бўлишган. Биров гўлроқ қўшнисини, яна биров аҳмоқ қариндошини ишга солиб, нарсасини пуллайди.

Алиев бари бир тушунмади. Ҳисоблаш марказининг хизматчи аёллари энг оддий арифметикани энди тушунгандек бир-бирларига қараб, бўзрайиб қолишди.

## МОДДИЙ ЁРДАМ

Бу ғавғоларнинг ҳаммаси арзимаган гапдан бошланди. Бир куни цехимиз касаба союз ташкилотининг раиси Ислом ака ёнимга келиб, елкамга қўлини ташлади.

— Аёлларни яхши кўрасизми?— деди негадир илжайиб.

— Ҳа, энди, эл қатори...

— Бўлмаса бундай. Бир хизмат қиласиз,— у яқинроқ келиб овозини пасайтирди.— Ўзингиз биласиз, индинга хотин-қизлар байрами. Цехимиз эркаклари номидан кичкина банкет уюштирмоқчи эдик.

— Неча сўм керак?— дедим воқеани тушуниб.

Бизда бунақа ишлар тез-тез бўлиб туради. Кўникиб кетганмиз. Ишнинг кўзини биладиганлар ойлигидан бирон ўн сўм ажратиб қўяди. Биров пенсияга чиқади, биров туғади, биров уйланади дегандек.

Чўнтагимдан энди пул чиқараётган эдим, Ислом ака қўлимни ушлади.

— Йўқ,— деди у янаям сирлироқ қилиб.— Сиз пул бермайсиз, оласиз.

— Нима?

— Худди шундай, оласиз. Мана бу аризага қўл қўясизу нақд ўттиз сўм оласиз. Биз шунга банкет қиламиз.

Мендан нима кетди? Бари бир байрамни нишонлашимиз керак. Бари бир ўтиришда ўзимам бўлишим керак.

«Менга моддий ёрдам беринглар, қийналиб қолдим», деган аризага шартта қўл қўйиб бердим. Ўша заҳоти кассадан учта ўн сўмликни олиб, Ислом аканинг қўлига тутқаздим. Байрам кўнгилдагидек ўтди. Шампань ичдик, танца қилдик...

Бу гапларни аллақачон унутиб юборган бўлардим у бир куни цех касаба союз ташкилотининг навбатдаги мажлиси бўлиб қолди. Ислом ака қилинган ишлар тўғрисида тўлқинланиб гапираркан, бирдан қўлини бигиз қилиб мени кўрсатиб қолди.

— Мана, слесарь ўртоқ Алиевни олайлик. Шу йигит касал бўлиб ўлим тўшагида ётганида, биз унга ўттиз сўм моддий ёрдам бердик!

Залда ўтирганларнинг ҳаммаси гўрдан чиқиб келган одамни кўр-

моқчи бўлгандай менга бурилиб қаради. Анграйиб қолибман. Бола бўлиб касал нималигини билмайман. Одамлар шамолладим деса, ҳайрон қоламан. Қишда қорда ювинаман. Бу одам бўлса, мени туппа-тузук чалажонга чиқариб қўйди.

Энди эсимни йиғиб, оғиз очмоқчи эдим, қарасам, Ислом ака бошқа масалага ўтиб кетибди. Индамай қўя қолдим.

Орадан ўн беш кун ўтар-ўтмас, мени Ислом аканинг хонасига чақириб қолишди. «Энди моддий ёрдам беришса, олмайман» деган



ўй билан пастак эшикни очдим. Қарасам, устига газета тўшалган столнинг бир томонида Ислом ака, бошқа томонида кўзойнак таққан семиз хотин ўтирибди. Стол устида ҳар хил қоғозлар, маркалар...

— Танишинг,— деди Ислом ака мени аёлга кўрсатиб.— Ўртоқ Алиев мана шу киши! Илғор слесарь, рационализатор.

Аёл кўзойнак ортидаги мулойим кўзларини менга тикиб, юмшоқ кафти билан қўлимни қисди.

— Бу киши тафтиш комиссиясининг аъзоси бўладилар!— Ислом ака пайтдан фойдаланиб, аёлни ҳам таништирди.

— Қалай ўртоқ Алиев, участкангизни тиклаб олдингизми?— деди аёл меҳрибон товушда.

Ҳайрон бўлиб Ислом акага қарадим. Унинг қовоғи учяптими, кўз қисяптими, тушунолмайдиган гарансиб туравердим.

— Э, унчалик ёнган эмас,— деди Ислом ака бидиллаб.— Бу кишининг ўғилчаси шўх-да. Онаси магазинга чиқиб кетганидан фойдаланиб, дазмолнинг илгагини розеткага тикиб қўйибди. Шунга ақли етганини кўрмайсизми? Боғча боласи-я, бўлмаса. Биз берган ўттиз сўм билан кўрган зарарингиз қопланиб кетди-а? Тўғрими, ўртоқ Алиев?

Нима деб ёлдираганимни ўзим билмайман. Амаллаб хонадан чиқиб кетдим.

«Ариза бермай ҳам ўлай, пул олмай ҳам», деб беш-ўн кун хунуб бўлиб юрдим. Бора-бора бу ғавғолар унут бўлиб кетди.

Энди тинчиган эдим, завод касабаси союз ташкилотининг умумий йиғилиши бўлиб қолди. Ўзингиз биласиз, мажлисда одамлар орқа қаторда ўтиришни яхши кўради. Бир оз кечиккан эканман, биттаям бўш жой қолмапти. Мажбур бўлиб, энг биринчи қаторга келиб ўтирдим.

Иккита одамдан кейин минбарга Ислом ака чиқди. Юрагим пўкиллаб турган эди, гапни худди ўша масаладан бошлади.

— Ўртоқлар!— деди у кичикроқ дастурхондек келадиган рўмолчаси билан терлаган пешанасини артиб.— Биз ҳадеб план-план демасдан, одамларга ёрдам беришнинг ўйлашимиз керак. Мана, ўртоқ Алиевни олайлик.— У қўлини бигиз қилиб мени кўрсатди.— Илғор ишчи, интизомли. Аммо ҳар тўқисда бир айб дегандек, саккизта қизи бор. Шу йил баҳорда денг, келин тўққизинчи қизни туғиб ётганида, ўртанча қизалоқ яхмалак учаман деб, маҳалладаги ҳовузга тушиб кетибди. Биз ўртоқ Алиевга дарров ўттиз сўм моддий ёрдам бердик...

Этларим жимирлашиб, кўз ўнгим қоп-қоронғи бўлиб кетди. Сакраб ўрнимдан турдим минбарга қараб қичқириб юбордим!

— Дод!

Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганини, одамлар менга ҳайратланиб қараётганини салгина пайқадиму аммо энди ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани билишни истамас эдим.

— Мен ҳеч қанақа моддий ёрдам олган эмасман,— дедим қўлимни пахса қилиб.— Ҳеч қачон ўладиган касал ҳам бўлмаганман! Уйимга ўт кетганмас. Қуядиган участкаминг ўзи йўқ. Давлатнинг секциясида тураман, билдингми! Розеткага сим тикадиган ўғлим ҳам, сувга чўкиб ўладиган қизим ҳам йўқ. У ёғини сўрасанг, хотиним ҳам йўқ» Энди қутулдимми?!

Биров томоғимдан бўғаётгандай ҳарсиллаб жойимга ўтирдим. Ислом ака бузоқбоши кўриб қолган хўроздек киприklarини оғир-оғир қоққанча менга тикилиб турди-да, негадир илжайди.

— Ўртоқлар!— деди яна ўша оҳангда.— Биз худди шундай кишиларга кўпроқ моддий ёрдам беришимиз керак. Ўртоқ Алиев ажойиб ишчи. Аммо кўриб турибсизларки, шу бир йил ичида бошига кўп савдолар тушди. Уйига ўт кетди, ўзи касал бўлди, думбоққина қизи сувга чўкиб кетди. Инсоннинг бошида ҳар хил кун бор.— Ислом ака менга қараб жилмайди.— Кўрдингизми, асабларингиз чатоқ бўлиб қолибди. Майли, парво қилманг.— Кейин у президиумга ўгирилди-да, «ана шунақа гаплар» дегандай маъноли бош силкиб қўйди.— Биз ўртоқ Алиевни тегишли касалхонага албатта жойлаштирамиз. Керак бўлса ўттиз сўм эмас, ўттиз беш сўм, ҳатто қирқ сўм моддий ёрдам берамиз.

Мен ўрнимдан сапчиб туриб кетдим. «Ёрдаминг бошингда қолсин», деб қичқирдиму ҳеч ким эшитмади. Ҳамма гулдурос қарсақ чалар, Ислом ака виқор билан минбардан тушиб борарди.

## УСТА КЎРГАН ШОГИРД

Турсунбой мундоқ ўйлаб қараса, олим бўлишдан осон нарса йўқ экан. Институтда ўзи билан ўқиган пачоқ-пачоқ болалар икки-уч йилда диссертация ёқлаб, бинойидек уч юз сўмдан маош олиб юрибди. «Хўш, мулла Турсун,— деди ўзига-ўзи,— ўшалардан қаеринг кам? Худога шукур, танишинг бўлса бор. Жуда бўлмаганда домла Ободийга шогирд тушарсан». Домла Ободий бир замонлар «Халқ оғзаки ижодида мақол-маталлар ишлатиш» деган темада диссертация ёқлаган, икки гапнинг бирида мақол ишлатмаса туropol-масди.

Турсунбой домланинг олдига бориши билан гапни мақолдан бошлади.

— Ассалому алайкум,— домлажон,— деди таъзим қилиб.— Устоз отангдан улуғ деган гап бор. Сиздек устозимни бир зиёрат қилгани келувдим, домлажон.

Домла суюниб кетди.

— Баракалла ука! Олтин олма, олқиш ол деганлар.

Турсунбой гапни мавриди келганини сезиб, илиб кетди:

— Узингиз биласиз, домлажон, уста кўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалайди. Мен сиздан кўп миннатдорман. Катта дарахтнинг сояси ҳам катта бўлади, деб яна паноҳингизга келдик. Биласиз, домлажон. Катта арава қайси издан юрса...— у бирдан ошириб юборганини тушуниб қолди. «Мақол ишлатмай ўл»— деди ичида сўкиниб. Аммо ўзини йўқотиб қўймади.— Кечирасиз,— деди миғиллаб,— яхшидан етар шарофат деганларидай... илмий иш қилмоқчи эдик, домлажон.

Домла Ободий чуқур ўйга толди.


— Энди ука, олим бўлсанг, олам сеники,— деди бирдан сансирашга ўтиб.— Бу ёғини яхши ўйлабсан. Шундоқ-ку, лекин илм нина билан қудуқ қазишдай гап-да!

— Тушунаман, домлажон, ҳаммасини тушунаман. Чумчуқдан қўрққан тарик экмайди, дейдилар. Аравасига тушгандан кейин ашуласини ҳам айтамингиз-да.

Устоз билан шогирд бир тўхтамга келишди. Турсунбой қалин қилиб тарик сепди. Сепди-ю, тарик жонивор икки йил деганда ҳам униб чиқа қолмади. Ё деҳқоннинг мазаси йўқ эди, ё томорқанинг.

У икки йил чўзиб-чўзиб ашула айтса ҳам арава қуриб кетгур ҳеч жойдан жилмади.

Домла Ободий участка қураётган экан. «Хайт деган туяга мадор бўлади» деб бир шама қилган эди, Турсунбой тунукасини ўз зиммасига олди. Тағин домланинг кўнглини кўтариб ҳам қўйди.





— Кўйнидан тўкилса, қўнжиги-да, домлажон. Арзимаган тунукани сиз олдингиз нима-ю, мен олдим нима?

Яна бир сафар домла уйда келим-кетим кўплигидан нолиди.

— Рўзгор — ғор денглар. Бунинг устига кунора меҳмон, ўзинг биласан ука, бир товўққа ҳам сув керак, ҳам дон.

— Ҳа, энди домлажон! Меҳмон келар эшикдан, насибаси тешикдан.

— Қани ўша тешик!— деди домла қўл силтаб.

— Биз-да, домла, биз-да!

Турсунбой шундай деди-ю, ўша кундан бошлаб қачон домла Ободийнинг уйига меҳмон келса ичкилигини кўтарадиган бўлди.

Кеч кузда домла тағин ҳасрат қилиб қолди:

— Кенгашли тўй тўзимас, деган гап бор ука. Шу десанг қизимизни узатмоқчимиз. Тенг-тенги билан, деганларидай қуда бўлшимиз катта профессор. Олинг қуда, беринг қуда деганлар...

Турсунбой тўёнанинг каттаси бўйнига шилқ этиб тушай, деб турганини пайқади-ю, ғиншиди:

— Энди домлажон, тенги чиқса текин бер деганлари жуда тўғри. Уйқу жой танламас, муҳаббат чирой деганларидай синглимизга шундай одам харидор бўпти, бориға барака қилиб тўйни ўтказиб юбораверинг.

— Йўқ ука. Бошқа гап бор.— Домла Ободий хўрсинди.— Осилсанг баланд дорга осил дебмизу бу ёғини ўйламабмиз. Бор товоғим — кел товоғим, деб бежиз айтишмаган. Мебелний магазинда болгарский гарнитур бор экан. Бир минг уч юз сўм. Ҳали куёв хафа бўладими руминскийсидан олмабсизлар деб. Ўзинг биласан, куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган.

Турсунбойнинг ичида бир нима узилиб кетгандай бўлди. «Ўзинг ҳам ўл, куёвинг ҳам,— деди ичида.— Чўтир қизинг билан ҳаммаларинг қўшмозор бўлларинг. Қизинг биров билан қучоқлашиб ётади-ю, гарнитурни мен олайми?» Хаёлида шундай деса ҳам сиртида илжайди.

— Албатта, домлажон, албатта. Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деб пойлаб турган одамлар оз эмасдир ахир.

— Шуни айтаман-да.— Домла маъқуллаб бош силкиди.— Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганлари жуда тўғри. Яхшиям сендек шогирдим бор экан.

Домла адашмади. Турсунбой нортую бўлиб юкнинг оғирини кўтарди. Аммо ҳарчанд лўкиллагани билан манзилга етолмади. Ҳар гал ишини суриштириб келганида домласи бир нимани баҳона қиладди-ю, пайсалга солади. Ҳар гал Турсунбой гапини бошидан бошлайди.

— Энди домлажон, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дегандек ўзингиз бош бўлиб...

— Шошма ука,— дейди домла салмоқлаб.— Сабр таги сара олтин деганлар.

— Шунақаю домлажон, қолган ишга қор ёғади деган гап ҳам бор. Бу ёғиям туя гўшти егандек жуда чўзилиб кетди ўзи...

— Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади, ука. Мана, кўпи кетиб ози қолди. Қирқига чидаган одам қирқ биригаям чидаши керак-да!

Бора-бора домла янги одат чиқарди. Турсунбой қачон ишни суриштириб келса, домла касаллигини баҳона қиладиган бўлди. Аввалига Турсунбой домлам кексалиги учун мазаси қочаётгандир деб юрдию кейин Ободий ўзининг ишига ҳеч қизиқмаётганини уни олим қилиш нияти ҳам йўқлигини тушунди. Устига-устак диссертация ёқлашда янги тартиб-қоидалар чиқиб қолди. Бир куни у яна домланинг олдига келди. Энди тахта-ўқлоғини йиғиштиришга ўзининг ҳам ақли етиб қолган эди. Қараса, домла Ободий одатдагидек ёнбошлаб ётибди.

— Ассаломайлайкум, домла!— деди Турсунбой янгича шиддат билан.

— Нима, яна бурга тепдими?!

— Э, нимасини айтасан, ука.— Домла минғиллади,— касалнинг келиши осон, кетиши қийин экан-да.

— Шунақа, домла, касаллик ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади,— Турсунбой унинг гапини маъқуллади.— Ранг кўр-ҳол сўр деганлар. Қирқ кун ерга ёпишиб ётган одамдай рангингиз тамом бўпти ўзи!

Домла Ободий кўзини юмди.

— Ҳа, энди иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Аҳволим кўпам оғирмас ука.

— Шунақа дейсизу домла, дард келганда дармон кетарканда,— деди Турсунбой салмоқланиб.— Касаллик филни пашша қилади, деганлари бежиз эмас экан. Аҳволингизни қаранг. Бай-бай-бай! Домла унга шубҳаланиб қараб қўйди-ю, индамади.

— Қаерингиз оғрияпти ўзи?

Домла яна инқиллади.

— Қаер бўларди, ошқозон-да!

— Энди домла, кўзинг оғриси қўлингни тий, қорнинг оғриси нафсингни тий деганлар! Сал қараш керак-да бу ёғиям.

Домла Ободийнинг кўзи ярқ этиб очилиб кетди. Турсунбой парво қилмай давом этди.— Касаллик бир тикилса қўймайди, деганлари тўғрига ўхшайди. Аҳволингиз чатоқ домла. Соғ танда соғлом ақл дейдилар. Мазангиз қочгандан бери ўзиям...

— Нафасингни иссиқ қил-е!— Домла ўрнидан туриб кетди.

— Дард бошқа ажал бошқа. Шуниям билмайсанми, галварс.

Турсунбой пинагини бузмади.

— Энди домла, тўғри гап туққаннингга ёқмас эканда,— деди хўрсиниб.— Уйламай еган оғримай ўлар деганлари тўппа-тўғри. Бу ёғи яқинлашиб қолганга ўхшайди ўзи. Бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз...

— Йўқол-э!— қичқирди домла кўзини ола-кула қилиб.— Йўқол кўзимдан кўрнамак!

— Албатта, албатта!— Турсунбой шошилмай ўрнидан турди.— Ёмон касал юқумли бўлади. Мен ҳам ўлганнинг кетидан шаҳид бўп кетмай тағин.— У эшик олдига етганда бурилиб қаради. Домла турган жойда оғзини каппа-каппа очар, чамаси бирон мақол излар, аммо тополмасди.

## БҮЙДОҚҚА МАСЛАХАТ

**Она:**

— Қачонгача шундоқ юрасан, ўғлим? Кўчага чиқолмайдиган бўлиб қолдим-ку? Кимни кўрсам, тўй қачон дейди. Тавба, бир замонлар хотин олиш деса, йигитлар ўзини томдан ташларди. Энди бўлса, уйланиш деса, захраси кетади ҳаммасининг. Нима, боши олтин, оёғи кумушидан оласанми? Ҳамма хотин бир хотин-да! Ана, Холпошнинг келини! Тинчитди-қўйди. Шўрлик куни кеча сочи супурги, қўли косов бўлиб юрарди. Ҳозир кўрдингми, оқ ювиб, оқ тараб ясатиб қўйибди умрингдан барака топгур келини.

Мен ҳам кексайиб қолдим. Кундан-кун нари кетяпман. Бу қишдан чиқаманми-йўқми, худо билади. Ҳузурингни кўрсам, ўз қўлим билан эгангга топширсам, дейман-да. Силкиниб-силкиниб хизматимни қилса, кўчадан кириб келганингда ош-овқатингни тайёрлаб турса, кийимингни дазмолсиз қолдирмаса бўлди-да! Ҳалиям бўлса ўша тоғаннинг қизидан қолма. Нима қипти? Қумридай қиз! Ҳусндан камми? Ақлдан камми? Бунинг устига дўхтир бўлса! Эр-хотин ишласаларинг ҳеч ким кўрмаганини кўрасанлар. Кеча тагин келиб кетди, боёқиш, Нима қилса ҳам ўзингники. От тепкиси отга ўтмайди.

**Деҳқон:**

— Қариндошдан қиз олганнинг падарига минг лаънат! Мана ўзим... Э, ўғлим, сиз сўраманг, мен гапирмай. Нима қилса ҳам ўзимники деб аммаваччам билан куда бўлгандик. Эй аттанг, аттанг!! Ўрта орада ўғлим куйиб кетди. Хотинни деса бизлар, бизни деса хотини... Финг деган товуш чиқдими, қариндош-уруғлар ўртасига совуқчилик тушса...

Ҳарқалай, институтни битирган-ку, эс-ҳуши жойидадир, бошига бир мушкул тушганда, эрига ёрдам берар деб ўйлагандик. Эсингиз борида билиб қўйинг: зинҳор-базинҳор олий маълумотлисига осилманг.

Бизнинг келин ҳам шунақанги сўртидан чиқиб қолди. Эри билан баравар чиқиб кетади, баравар кириб келади. Мабодо худо ярлақаб ишдан сал илгарироқ қайтиб қолса ҳам картошканинг ярмини артиб, қолганини артмай ўтиради. Ярмини эрим келиб артиб берсин, ҳозир эр-хотиннинг ҳуқуқи баравар дейди.

Тавба, қўлига қўлқоп кийиб печка ёққан хотинни биринчи кўришим. Нон емайди-я, нобакор! Нон еса семириб, пўрмаси бузилармиш.

Унг қулоқ, чап қулоғингиз билан эшитиб олинг, ёшидан уйланг. Хотин киши битта туққандан кейин тамом. Иложи бўлса, ўқи-маганини топинг. Уқидими, тилининг узун бўлгани ўша. Ундан кейин, онасини суриштиринг. Тавба қилдим, келинининг қилган мошкичириси ҳам онасиникига ўхшайди! Келин деган дуркунроқ бўлгани маъқул. Ҳа, энди агарўт деган гаплар бор. Сигир соғиш, таппи ёпиш дегандай. Эшитдингиз-а! Ёш бўлсин, содда бўлсин...

#### **Ёзувчи:**

— Ўзинг биласан, дўстим, ҳаёт мураккаб! Хотиннинг биринчи гада сени тушунсин. Ёшини бошингга урасанми! Ё қўғирчоқ ўйнатасанми? Йиғлаб ошини ичадиган хотиннинг нима кераги бор.

Мопассан ўзидан ўн ёш катта хотинга уйланганини эшитганми-сан? Нега шундоқ улуғ ёзувчи шундай қилган. Нега деганда, шу хотин мени тушунади деган.

Масалан, айтайлик сен бошингни қотириб лойиҳа чизиб ўтирибсан. Хотиннинг елкангдан таппа ушласа-да, «капроним йиртилиб қолибди» деса, нима қиласан?

Иложи бўлса ўзингнинг соҳангда ишлайдиганидан топ. Уқимишли бўлсин. Ундан кейин нозикроқ бўлсин. Хотин кишини гўзаллиги нимада? Нозикликда!

Мана, ўзимизнинг хотин! Ипдаккина. Бир нарса ёзаётганимда бошимда парвонадай айланиб қолади. Битта жойда ишлаймиз. Қачон, қанча нарса ёзганимни беш қўлдай билади. Қачон, қанча гонорар олишимни ўзимдан яхшироқ ҳисоблаб юради. Кассага бориб овора бўлиб юрмайман. Бухгалтер кампир хотинимни яхши кўриб қолган... Романтик хотин-да!

Шундоқ қил, дўстим. Иложи бўлса, камбағалроқ оиланинг фарзандини ол. Бойники бойча бўлади.

#### **Дўкончи:**

— Муллака! Хотиннинг таг-тахтли бўлгани маъқул. Ёр-биродарларингиз билан борганингизда қайнатанг борми, деса бор, дегудай бўлсин. Бу дунёда яхши еб, яхши кийган қолади.

Мана, ўзимиз! Отамиз хотин олиб бераркан, деб ўн олтида уйланганмиз. Узиям отамиз раҳматлик тўй жониворга ярим дунёсини сарфлади-да. Бор товоғим — кел товоғим, деганлар. Шунга яраша ортиб-тортиб келди-да! Куёв чарларда қайнатам «Запорожец» совға қилди. Ана ҳурмату мана ҳурмат. Ўртоқларимнинг оғзи очилиб қолибди.

Биров билмасин-ку, қайнатамни ўз отам дейман. Кўкламда дўконни таппа ревизия босди. Оз бўлса тўрт йилни бўйнимизга илай

деб турганимизда шу отамиз белини маҳкам боғлаб туриб берди-да!

Яхши йигит экансиз, қулоғингизга айтиб қўяй. Қайсинглим етилиб турибди. Хўп десангиз, божа бўламиз. Хотинимдан ёмонлик кўрмадик. У ҳам худди опасининг ўзи. Бир хил одамлар, қари қиз, оёғи чўлоқ дейишади. Бекор гап. Кўролмагандан иғво қилишади. Оёғи сал оқсоқ бўлса нима қилибди. Қайтага кўнглингиз тинч бўлади. Кўча-куйда йигитлар суқланиб қарамайди.

Ҳа деяверинг! Қайнатам билан гаплашаман. Тилло йигит топдим дейман. Архитектур экан, тахтадай қоғозга уйнинг расмини чизиб, уч минг сўмдан пул оларкан дейман. Пошшо куёв бўласиз.

Қани, қўлни ташланг! Йигитнинг хўрози ёш уйланади.

### Пиёниста:

— Лаббай ука! Уйланмоқчиман, дейсизми? Оғзингиздан шамол олсин! Соқолингиз киндигингизга тушиб кетса ҳам уйланманг! Хотинни нима қиласиз? Хотин олдингиз нима-ю, товуқ боқдингиз нима? Иккови ҳам бари бир.

Улфатларим айтишади. Шодивой, сен бутун йигитсан, дейишади. Гулдай йигитлар шундоқ деб туришганда хотиним «сен аҳмоқсан» деса, алам қиладим-йўқми?

Бу, хотин зотига ҳайронман. Учасига уйланиб, биттасидан вафо топмадим. Мана, учинчиси: онаси мақтаб берган эди. Қаёқда? «Ҳар куни қайси гўрларда қолиб кетасиз», дейди! Эси бўлса билмайдими, мен гўрда нима қиламан. «Нега ичасиз» дейди. Ўзи ичмайди-да, кайфнинг қадрини қаёқдан тушунсин! Ҳой, нодон! Ичсам сенинг пулингга ичаманми? «Ҳар куни исқирт босиб келасиз. Кийимларингизни ювавериб жонимдан тўйдим» эмиш. Фаҳми йўқ-да, фаҳми йўқ! Ювиб нима қилади? Бари бир эртасига яна кир бўлади-ку! Шаҳар чанг бўлса, кўчалар ифлос бўлса... Йиқилиб-сурилиб бўлса ҳам уйни топиб келганимга раҳмат демайсанми? «Ҳушёрхонага тушиб, одамни шарманда қилдингиз», дейди. Хотин дўст бўлмас экан-да! Уч кунгача бир грамм ичолмай азоб чекканимдан хабари йўқ. «Уйда бир тилиш гўшт йўқ» эмиш. Нега йўқ бўларкан. Бозор тўла гўшт!

Шу кундан яна бир қилиқ чиқарибди. Кечаси уйга келишим билан боласини етаклаб, диконглаб қўшниникига чиқиб кетади. Ҳой, овсар, диконглаб нима қиласан? Мундай, ёнимда ўтирмайсанми, бир-икки мушт емайсанми? Кейин секин эмаклаб чиқиб кетмайсанми!

Уйланманг! Зинҳор уйланманг! Менинг сизга акалик маслаҳатим: улфатлар билан ялло қилиб юраверинг... Қани, олдик! Э... Қолдирманг-да! Йигитнинг гули ичади буни...

**Муаллиф:**

— Бўйдоқ дўстим! Кенгашлик тўй тўзимас, деганлар! Яна бошқалар билан ҳам маслаҳатлашиб кўринг. Қанча кўп маслаҳатлашсангиз, шунча яхши. Сизга ҳам насиб қилгани бордир. Парво қилманг, топилади. Мени айтди дерсиз: бир йўла пенсия оладиганига уйланасиз.

**БИБЛИОТЕЧКА МУШТУМА № 1**

**На узбекском языке**

**У. Хошимов**

**ПРОДАЮ МАШИНУ**

**Юмористические рассказы**

**ИЗДАТЕЛЬСТВО ЦК КП УЗБЕКИСТАНА  
ТАШКЕНТ — 1981 г.**

**Редактор Неймат Аминов.  
Рассом Алижон Холиқов.  
Техредактор Галина Ломиворотова.  
Корректор Адхам Жўрабоев.**

**Теришга берилди 10.10.80. Босишга ружсат этилди 04.03.81.  
Р-02827. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Қогоз № 2. Гарнитура журнальная  
рубленная. Юқори босма. Шартли босма листи 2,10. Нашриёт ҳисоб  
листи 2,34. Тиражи 33500. Заказ № 4747. Ваҳоси 15 т.**

**Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмаҳонаси.  
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.**